



Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 16 август • № 33 (950)

ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ — ГЛАВНЫЙ ПРИОРИТЕТ



Приближаются торжества, посвященные 22-летию независимости нашей страны. Знаменательна эта дата не столько годами, сколько проделанной работой. Обратимся к реформам, осуществляемым в сфере здравоохранения. Всем хорошо известно, что они разработаны во имя человека, его интересов, обеспечения высокого уровня жизни. Их основная задача – формирование современной системы медицинского обслуживания, отвечающей международным стандартам. Главная же цель – воспитание гармонично развитого молодого поколения, оздоровление нации.

Преобразования во благо человека

С первых дней независимости под руководством главы государства уделяется огромное внимание вопросам сохранения и улучшения здоровья населения, воспитания физически и духовно развитого подрастающего поколения. В книге Президента Ислама Каримова "Узбекистан на пороге достижения независимости" дается подроб-

ный анализ проводимой в республике политики, направленной на обеспечение светлого будущего народа, дальнейшего развития нашего общества. Представители старшего поколения помнят, в каком плачевном и удручающем состоянии находилась медицина республики в прежние времена. Устаревшее оборудование и приборы, плохо отапливаемые, не отвечающие требованиям санитарии и гигиены кабинеты,

расположенные в обветшалых зданиях медицинских учреждений. Бывали случаи, когда женщины предпочитали рожать не в родильных домах, а дома, что нередко приводило к трагическим последствиям. Ситуация в селах была еще более удручающей. Медицинскую помощь беременным женщинам во многих случаях оказывали не врачи, а фельдшеры в сельских фельдшерских пунктах, в которых практически отсутствовал необходимый медицинский инвентарий. Не назовешь гуманными подходы, что практиковались и при родах. К примеру, появившегося на свет младенца сразу отлучали от роженицы, что сказывалось на дальнейшем развитии малыша.

Уже в первые годы независимости сделаны первые шаги

для реформирования сферы. В частности, указом Президента страны от 23 апреля 1993 года был создан Международный негосударственный благотворительный фонд "Соғлом авлод учун" в целях оздоровления нации, укрепления здоровья матерей и детей, развития медицинского сознания и культуры населения. В этом же году был учрежден орден "Соғлом авлод учун". Заслуживает внимания то, что эта награда – первый орден независимого Узбекистана. Действительно, эти шаги на пути воспитания здорового поколения, оздоровления нации стали важным событием для узбекского народа, для которого под угрозой оказались не только земельные и природные

(Продолжение на 2-стр.)

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин"

ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ УСТУВОР ИМКОНИАТЛАРИ

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар бир эзгу саъй-ҳаракат "Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун", деган улғувор мақсадга қаратилаётганлигига алоҳида урғу берилган эди. Бу бежиз эмас. Чиндан ҳам, янгиланишларнинг туб мазмун-моҳиятига қарасак, уларнинг барчаси шу муқаддас Ватанда азиз саналган инсон учун эканлиги яққол намоён бўлади. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ҳамда "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан шу йилнинг 15-17 август кунлари пойтахтимизнинг барча туманларида, 19-23 август кунлари эса Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари, шунингдек, юқори малакали шифокорлар иштирокида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида кенг тарздаги чуқурлаштирилган тиббий кўрикларнинг навбатдагиси ўтказилди. Ушбу йирик тадбир давомида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш билан бир қаторда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни соғлом оила қуришга тайёрлаш, турли хасталикларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари ҳам олиб борилади.

(Давоми 4-бетда).

Любовь и гордость моя, родной Узбекистан! ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ — ГЛАВНЫЙ ПРИОРИТЕТ

ресурсы, но и здоровье будущих поколений.

— Оглядываясь в прошлое и сравнивая нынешнюю ситуацию в системе здравоохранения Узбекистана, понимаешь, сколько труда и денежных средств было вложено в эту сферу, — **говорит министр здравоохранения Республики Узбекистан Анвар Алимов.** — Недаром Национальная модель охраны здоровья матери и ребенка в Узбекистане "Здоровая мать — здоровый ребенок" была признана как одна из эффективных стратегий в достижении Целей развития тысячелетия, благодаря которой в стране снижена младенческая и материнская смертность более чем в три раза. Отметим, что по данному показателю Узбекистан занимает лидирующую позицию не только в СНГ, но и в мире.

Реформа не ради реформ

В современной истории отечественного здравоохранения 1998 год является особенным. Именно тогда в соответствии с указом Президента началась глобальная и во многом беспрецедентная реформа медицинской отрасли. Была принята Государственная программа, в которой четко определены этапы формирования национальной модели здравоохранения.

В результате последовательной реализации мер, направленных на реформирование отечественной медицины, на сегодняшний день в стране сформирована эффективная сеть сельских врачебных пунктов по оказанию первичной медико-санитарной помощи населению. Кроме того, созданы районные и городские медицинские объединения, фундаментальная организационная структура, включающая областные многопрофильные медицинские центры и республиканские специализированные центры по оказанию сложнейших высокотехнологичных медицинских услуг, а также центры экстренной медицинской помощи всех уровней.

Вместе с тем за минувшие годы на основе программы, несущей в себе идею "Здоровая мать — здоровый ребенок", разработаны широкомасштабные меры, в результате реализации которых в национальной медицине прочное место заняли скрининговые и перинатальные центры, о которых ранее мало кто знал.

В основе создания специализированных центров, дигностической, скрининговой и перинатальной служб, новых родильных комплексов, оснащенных современным медицинским оборудовани-

ем, уделяемого особого внимания защите здоровья матерей и детей лежит одна цель — дальнейшее укрепление здоровья нашего народа, воспитание здорового поколения.

Согласно имеющимся данным, если в 2005 году в нашей стране число абсолютно здоровых детей составляло 52,7 процента, то в 2013 году эта цифра превысила 63 процента. Если учитывать, что в развитых странах мира этот показатель составляет 70-72 процента, мы увидим, насколько высокими темпами наша страна продвигается в этом направлении. В соответствии с Постановлениями Президента "О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формированию здорового поколения" от 13 апреля 2009 года и "О Программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности



проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения, рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения на 2009-2013 годы" от 1 июля того же года проводимая в этой сфере работа выведена на новый уровень.

— Из года в год растет число бюджетных средств, выделяемых с прицелом на дальнейшее улучшение системы здравоохранения, — **говорит начальник Главного управления экономики, финансирования и определения перспектив Министерства здравоохранения республики Бахтиёр Хашимов.** — В частности, если в 2012 году на развитие сферы из Государственного бюджета было выделено 2,8 триллиона сумов, то в текущем году ожидается, что этот показатель достигнет 3,4 триллиона сумов. В настоящее время в рамках Инвестиционной программы на 2013 год более

чем в 140 региональных и республиканских медицинских учреждениях ускоренно проводятся строительные работы, реконструкция. На эти цели из Государственного бюджета намерено выделить 311,2 миллиарда сумов.

В рамках проекта "Здоровье-3", который нацелен на повышение профессионального уровня врачей и медицинских сестер, разработаны и внедряются новые учебные программы и методики повышения квалификации кадров, что способствует интенсивному внедрению в практику врачей передовых методик, повышению качества оказываемой медицинской помощи, задействованию всего потенциала нового оборудования, поставляемого в медицинские учреждения. Важно отметить, что внедрение современных технологий диагностики, профилактики и лечения, наличие высококвалифицированных кадров и современного оборудования привело к зако-

номерному снижению количества госпитализаций в стационары на 30 процентов и увеличению обращений за последние три года в сельские врачебные пункты, а именно в 1,6 раза, что является свидетельством возросшего доверия населения к услугам первичного звена здравоохранения.

Следует отметить, что с 2003 года в соответствии с рекомендациями Всемирной организации здравоохранения была преобразована структура учреждений родовспоможения, в которых стали действовать индивидуальные родильные залы и палаты совместного пребывания матери и ребенка, где они находятся под постоянным наблюдением специалистов. Кроме того, было создано свыше 240 современных медицинских учреждений, деятельность которых направлена на решение конкретных задач в области охраны здоровья женщин и детей. Большая роль в системе охраны ма-

теринства и детства отводится и службе медико-генетической диагностики. До обретения независимости специальность медицинского генетика не связывалась с практической медициной в сознании не только пациентов, но даже врачей. С развитием в стране сети скрининг-центров, оснащенных самым передовым оборудованием, медицинская генетика стала специальностью практического здравоохранения. Сегодня услуги этих специалистов, которые помогают предупредить рождение больного ребенка, признаны населением. В настоящее время с их деятельностью связано снижение рождения детей с врожденными пороками на 14 процентов.

— Следуя принципу "Здоровая мать — здоровый ребенок", в республике проводится целенаправленная работа по обеспечению беременных женщин поливитаминами, в которых содержатся необходимые для их здоровья микроэлементы, — **отмечает директор Республиканского скрининг-центра Мадина Шарипова.** — Важно подчеркнуть тот факт, что данный опыт не наблюдается ни в одной стране мира. Кроме этого, ежегодно 400 тысяч беременных женщин проходят оздоровительные курсы. Необходимо также отметить успешную реализацию программных мер, направленных на фортификацию муки и йодирование пищевой соли. Это позволяет кардинально снизить йодовую недостаточность у населения, что в свою очередь приводит к уменьшению случаев заболевания малокровием среди женщин детородного возраста.

Благодаря государственной поддержке все дети до двух лет в нашей стране привива-

(Окончание на 3-стр.)

(Продолжение.
Начало на 1-й стр.)

Любовь и гордость моя, родной Узбекистан! ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ — ГЛАВНЫЙ ПРИОРИТЕТ



сердца. На основе полученных результатов больному оказывается медицинская помощь путем хирургического вмешательства или другой вид лечения. Необходимо отметить, что традиционные методы лечения оказываются не вполне достаточными при лечении некоторых видов сердечной недостаточности. Одним из таких заболеваний является рефрактерная сердечная недостаточность. Отечественными специалистами уже достигнут ряд положительных результатов в решении этой проблемы.

Открытие в прошлом году кардиохирургического комплекса при Республиканском специализированном центре хирургии стало важным шагом на пути развития сердечной хирургии, внедрения в данной сфере новейших технологий, расширения спектра услуг, оказываемых населению, создания благоприят-

ные узбекские медики успешно проводят хирургическую практику, предоставляя тысячам наших сограждан возможность увидеть мир во всех его цветах. Заслуги наших медиков, дарящих такую радость людям, стоят всяческих похвал.

Немалые успехи за годы независимости достигнуты и специалистами в сфере хирургии, травматологии, урологии, педиатрии, терапии, стоматологии, пульмонологии, гематологии и многих других.

Постановление Президента страны "О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения" от 28 ноября 2011 года стало новой вехой на пути к обновлению отечественной сферы медицины. В этом важном документе намечены приоритетные зада-

ются на бесплатной основе, что позволило полностью искоренить в республике случаи заболевания полиомиелитом, столбняком и дифтерией среди новорожденных. В последние годы в стране не зафиксировано ни одного случая заболевания корью и краснухой. А за прошедшие десять лет среди детей до 10 лет – вирусного гепатита "В". Все это – результат проводимой работы, направленной на повышение медицинской культуры населения, формирование здорового поколения страны.

Одно из главных достижений в области охраны материнства и детства – переход на общепризнанную в мире систему семейного врача, проще говоря "врача общего профиля". Они предоставляют жителям отдаленных районов самые востребованные медицинские услуги практически на дому, за которыми ранее приходилось ездить в районный центр. В городах подобные услуги можно получить в семейных поликлиниках, что способствует предупреждению и раннему выявлению заболеваний.

– Проводимые целенаправленные меры приобретают сегодня историческое значение, поскольку осуществляются в условиях продолжающегося мирового финансово-экономического кризиса, – **говорит начальник управления Министерства здравоохранения республики Фаррух Шарипов.** – Разработанная под руководством Президента страны национальная модель развития полностью оправдала себя и доказала свою жизнеспособность. В прошлом году только в системе здравоохранения Узбекистана построено

более ста лечебных учреждений, что является ярким доказательством той заботы и внимания, которые государство проявляет к здоровью населения, а следовательно, к его благополучию и процветанию.

За последние годы в республике проводится широкомасштабная работа, направленная на всемерное укрепление и развитие системы здравоохранения, увеличение продолжительности жизни населения, повышение уровня благосостояния граждан. Так, в стране создана эффективная система всестороннего воспитания физически здорового подрастающего поколения. Активное и регулярное участие ведущих ученых и специалистов медицинских научных центров и оздоровительных учреждений в организуемых на местах выездных месячниках по оздоровлению служит повышению уровня медицинской культуры населения. В ходе этих мероприятий многие жители областей, в том числе женщины фертильного возраста и девочки-подростки, проходят тщательный медицинский осмотр в сельских врачебных пунктах.

Высокотехнологичные операции – веление времени

Хотелось бы остановиться еще на одном важном моменте. Сегодня узбекские врачи успешно выполняют наисложнейшие хирургические операции.

– Наши соотечественники не испытывают никакой надобности ехать в зарубежные страны в поисках квалифицированной медицинской помощи, – **рассказывает заместитель директора Республиканского специализированного центра хирургии Миржамол Зуфаров.** – Для проведения качественной медицинской диагностики и лечения в стране созданы превосходные условия, благодаря чему специалисты проводят самые сложные



виды лечебных процедур. В частности, для устранения сложных видов аритмии сердца больным оказываются услуги с использованием радиочастотных волн, направляемых при помощи специального устройства. При этом грудная клетка остается нетронутой. В случаях понижения сердечного тонуса в организм больного устанавливается кардиостимулятор. Если же сердечный ритм нужно привести в равновесие, применяется метод кардиоверсии. Отметим, что подобные методы лечения используют лишь в считанных странах мира.

Сегодня во многих медицинских учреждениях республики хорошо освоен метод ангиографии, включающий в себя изучение внутреннего состояния кровеносных сосудов. Он позволяет с максимальной точностью определить наличие суженных в них участков при помощи вливания контрастной жидкости в коронарный сосуд

ных условий для подготовки квалифицированных кадров, дальнейшего совершенствования сети региональных центров.

Вот другой пример – по инициативе Президента в стране создан Республиканский специализированный центр микрохирургии глаза, который оказывает жителям страны высокотехнологичную медицинскую помощь по диагностике, лечению и профилактике глазных заболеваний, а также ведет научно-методическую работу в офтальмологической службе республики. Отрадно отметить, что в наше время мо-

чи по дальнейшему углублению реформ сферы здравоохранения, повышению эффективности деятельности медицинских учреждений, обеспечению оказания качественных медицинских услуг населению, отвечающих современным требованиям и стандартам, внедрению передовых форм и методов управления и организации труда. Нет сомнений в том, что медицинские работники будут работать в данном направлении активно, слаженно, прилагая все усилия для дальнейшего укрепления здоровья населения.

Суммируя все вышесказанное, следует отметить, что реформа медицинской отрасли дает свои позитивные результаты. Но, безусловно, нельзя останавливаться на достигнутом. Независимость дала возможность создать основы медицинского обслуживания на уровне мировых стандартов. Дальнейшее развитие нашей страны, несомненно, создает предпосылки для процветания отечественной медицины. Об этом также свидетельствуют проводимые в сфере здравоохранения реформы.

Фуркат САНАЕВ.

(Окончание.)

Начало на 1-2-й стр.)

«Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин»

Тошкент шаҳри

ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ УСТУВОР ИМКОНИЯТЛАРИ

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 14-оилавий поликлиникага кириб борганимизда, кўзимиз аввало «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» деган шиорга тушди. Албатта, бунинг замирида инсон манфаати ва унинг саломатлиги ётганлигини дилдан ҳис этдик. Ва ҳар бир врач қабулига навбат кутиб турган фуқароларни кўриб, аҳолининг ўз соғлиғига эътибори ҳамда тиббиётга ишончи орگانлиги диққатимизни ўзига тортди. Бу жараёнга, шунингдек Олмазор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий ҳамда 19-оилавий поликлиникалар ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли ҳам кенг қамраб олинди.

Навбатда турганлар билан бирма-бир суҳбатлашар эканмиз, улар ўтказилаётган ушбу тиббий кўрик тўғрисида чуқур маълумотга эга эканликларининг гувоҳи бўлдик.

Шухрат РАХИМОВ,
Тошкент педиатрия
тиббиёт институти
госпиталь-терапия
кафедраси профессори:

– Жорий йилнинг июнь ойида 10 кун давомида Андижон вилоятида истиқомат қилаётган аҳолини «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказган эдик. Қувонарлиси шундаки, халқимиз ушбу кўриқни кўтаринки руҳда қабул қилапти. Бугун ҳам 14-оилавий поликлиникага келаётган фуқаролар саломатлигини текширувдан ўтказар эканман, улар ўзларида кечаётган касаллик тўғрисида керакли маълумотга эгаллиги, улардаги тиббий маданият юқори эканлигини кўрсатди. Айрим беморларда ички касалликлар мавжудлиги аниқланиб, муҳим тавсиялар, етакчи клиникаларга йўлланмалар берилди.



Рустам ХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Зарқайнар кўчаси:

– Ҳар йили ўтказилаётган ушбу тиббий кўриқда саломатлигимни текширтираман. Анча йиллардан буён қон босими касаллиги билан оғриб келаман. Бугун терапевт, кардиолог, окулист, эндокринолог-шифокорлар қабулида бўлиб, керакли маслаҳат ва тавсияларни олдим. Айниқса, пойтахтимизнинг етакчи клиникаларидан келган юқори малакали мутахассисларнинг билимдонлиги ҳамда меҳрибонлиги дардларимизга шифо бўлди, десак хато эмас. Ана шундай халқимиз саломатлиги учун қайғураётган Юртбошимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига миннатдорлик билдириб қоламиз.



Абдулхамид САГАТОВ,
Тошкент врачлар малакасини
ошириш институти
нейрореабилитация ва
Шарқ таъботати асослари
кафедраси доценти:

– Қабулимга келаётган беморларда кўпроқ бош оғриғи, умуртқа поғонаси-

да диск чурралари, остеохондроз асоратлари, бош ва орқа миёда қон айланиши бузилиши, наслий касалликлар аниқланди. Бу асоратларнинг барчаси асаб тизимидаги ўзгаришлар натижасида келиб чиқади. 2013 йилнинг июнь ойида Самарқанд вилоятида 10 кунлик «Соғломлаштириш ҳафталиги»да бўлганимизда, 1224 нафар фуқаро саломатлигини текширувдан ўтказдим. Икки кун давомида 14-оилавий поликлиникада ҳам 150 дан ортиқ аҳоли тиббий кўриқдан ўтди. Айрим кишилар кучли ҳаяжонланиш, сиқилиш натижасида асаб касалликларига дучор бўлишган. Беморларга ушбу касалликлар тўғрисида зарурий маслаҳат бердик. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришимиз муҳим.

Зухра ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани:

– Оилавий поликлиникамизнинг замонавий типда қад кўтаргани, имкониятларнинг кенглиги, шифокор ва ҳамшираларнинг хушмуомалалиги ҳамда ўз касбига бўлган масъулияти бизни мамнун этмоқда. Муассасамизга пойтахтимизнинг етакчи клиникаларидан келган шифокорларни эшитиб, соғлигимни чуқурроқ текширтиришга келдим. Асаб касалликлари шифокори Абдулхамид Сагатов қабулида бўлганимизда, ўзимда кечаётган касаллик бўйича шикоятларимни айтдим. Лекин тажрибали мутахассиснинг қўйган ташҳисига кўра хавотирланишимга ўрин йўқ экан.

Шаҳноза ЖЎРАЕВА,
Республика ихтисослаштирилган
кўз микрохирургия маркази
офтальмологи:

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан оммавий ташкил этилган ушбу тадбирда илк бор иштирок этар эканман, бу борадаги тажрибам янада ошди. Кўз касалликлари бўйича мурожаат қилиб келган беморларни текшириш жараёнида уларнинг айримларида кўриш қобилияти пасайганлиги, глаукома, катаракта каби касалликлар мавжудлиги аниқланди ва



тегишли маслаҳатлар берилиб, икки нафар беморни операция қилиш тавсия этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шайхонтохур туман 45-оилавий поликлиникада бўлганимизда ҳам худди шундай жараёнга дуч келдик. Юқори малакали мутахассислар томонидан тумандаги 40-41-оилавий поликлиникалар ҳудудида яшовчи беморлар ҳам қабул қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Холиджон КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт
фанлари доктори, профессор:

– Давлатимиз томонидан халқимиз саломатлигига катта эътибор кўрсатилмоқда. Айниқса, вазирлик ташаббуси билан ўтказилаётган соғломлаштириш ҳафталигининг республика миқёсида кенг қамраб олинаётганлиги касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай бепоул тиббий кўриқ халқимизга янада энгилликлар бермоқда. Аҳолида кечаётган кўз касалликларининг олдини олиш ва даволашда имкониятлар катта, лекин шу нарсага эътибор қаратишимиз зарурки, кўриш қобилиятини сақлаш учун муҳим дори-дармонлардан фойдаланиш, бунинг ба-



робарида жарроҳлик усулини қўлламасдан кўриш қобилиятини тиклашимиз зарур. Қабулимга келган беморларга касаллик тўғрисида муҳим тавсияларни бердим. Албатта, бундай тиббий кўриқлар ўз ижобий самарасини беради.



Камола САЛИҲОВА,
Республика
ихтисослаштирилган педиатрия
илмий-амалий тиббиёт маркази
директори муовини, тиббиёт
фанлари номзоди:

Назира РИХСИЕВА,
Тошкент педиатрия тиббиёт
институти эндокринология
кафедраси доценти:

– Қабулимдаги беморлар саломатлигини текшириш давомида уларда қандли диабетнинг 2-тури, эндемик буқоқ, яъни йод танқислиги касалликларини аниқлаб, зарурий муолажа тайинладим. Бугунги кунда қайси тиббиёт муассасасига мурожаат қилинмасин, барчасида етарли шароитлар мавжуд. Шунинг учун беморлар касалликни кечиктирмасдан, ўз вақтида мутахассисга мурожаат қилсалар, ҳар қандай касалликнинг олди олинган бўларди. Бежизга бу тадбир «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» деб

– Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган экан, бу ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Хабарингиз борки, «Соғлом она – соғлом бола» дастурининг кенг жорий этилганлиги фарзандларимиз соғлом ва барқамол ўсишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, соғломлаштириш ҳафталиклари мунтазам тарзда олиб борилаётганлиги болалар орасида касалликлар кескин камайишига олиб келмоқда. Икки кун давомида қабулимга келган соғлом болажонларни кўриб қувондим. Уларда хавfli касалликлар аниқланмади. Бу аҳоли орасида олиб борилаётган тарғибот ишларининг самарасидир.



номланмади. Чунки унинг замирида халқимизнинг орзу-умидлари, турмуш фаровонлиги ва Ватанимиз равнақи ётади.



Иқбол АЛИМОВА,
Олмазор тумани:

– Тиббий кўриқда терапевт, УТД, кардиолог, эндокринолог ва окулист қабулида бўлдим. Аслида сариқ касаллигини бошимдан ўтказганим боис, поликлиникамизда назоратда тураман. Бугун УТД аппаратида тушиб, жигаримда ижобий ўзгариш борлигидан хурсанд бўлдим. Терапевт қабулида бўлиб, касаллигим бўйича керакли муолажаларга тавсия олдим. Аввало, саломатлигимизни муҳофаза қилишда жонқуярлик билан ишлаётган 45-оилавий поликлиника шифокорлари хизматидан мамнунимиз.



Қорақалпоғистон Республикаси

СОҒЛОМ БОЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик эзгу ишларга хизмат қилади



Фарзанд буюк неъмат бўлиб, оиламиз қувончи-ю, келажгимиз давомчисидир. Ана шундай ажойиб иборанинг мазмун-моҳияти нечоғлик қимматга эга эканлигини дилдан ҳис этган ҳар бир ота-она фарзанди соғлом

ва баркамол ўсиши, шунингдек, комил инсон бўлиб етишишни орзу қилади. Дарҳақиқат, ана шундай эзгу ниятларни рўёбга чиқаришда давлатимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда.



Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қарийб беш йилдирки, "Соғломлаштириш ҳафталиги" ўтказиб келинаётгани фарзандларимиз янада баркамол ўсишида муҳим пойдевор бўлмоқда. Жорий йилнинг 5-6 август кунлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болалар учун "Соғлом бола – соғлом келажак" шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди. Унда жойлардаги етакчи клиникаларнинг юқори малакали мутахассислари иштирок этди. Таҳририят ходимлари Қорақалпоғистон



Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида хизмат сафарида бўлиб, ушбу жараён билан танишиб қайтишди.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тахياتош болалар уйида бўлганимизда, тажрибали шифокорлар томонидан 31 нафар боланинг



тиббий кўриқдан ўтказилиш жараёнини кузатдик.

Анжела ОМИРОВА,

болалар уйи бош шифокори:

– Болалар уйимизда 0-4 ёшгача бўлган болалар тарбияланишади. Улар соғлом ва баркамол ўсишлари учун барча шароитлар яратилган. 2 нафар шифокор, 6 нафар ҳамшира, 12 нафар тарбиячи ва 12 нафар тарбиячи ёрдамчиси болажонларни ўз фарзандларидек тарбиялаб келмоқдалар. Айниқса, болаларимиз саломатлигини доимий назорат қилиб, йилига 2 марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб келаятган Нукус шаҳридаги етакчи клиникаларнинг тажрибали шифокорлари саъй-ҳаракати билан болаларда жиддий касалликлар кузатилмади. Қалби меҳрга ташна болажонларни ўз фарзандларимиздек бағримизга босиб меҳр кўрсатсак, бор билимимизни берсак, улар Ватанимиз равнақи учун хизмат қила оладиган инсонлар бўлиб етишади. Аввало, болалар саломатлиги, таълим-тарбияси учун етарли имкониятларни яратишга бош-қош бўлаётган Юртбошимиздан миннатдоримиз. Шу жумладан, болалар уйимизга мурувват ёрдами кўрсатаётган Қорақалпоғистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизмати, Нукус шаҳар ички ишлар бошқармаси, Тахياتош ГРЭСи ва бир қанча ҳомий ташкилотлардан ҳам мамнунимиз. Куни кеча Нукус шаҳрининг етакчи клиникаларидан ташриф буюрган 12 та йўналишдаги шифокорлар болала-

да тарбияланаётган кичкинтойларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил қилинган экан, албатта бунинг замирида баркамол авлоднинг соғлом келажиги ётади. 0-4 ёшгача бўлган 31 нафар болани тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида маълум бўлдики, уларнинг айримларида камқонлик ва рахит касаллиги бўлгани учун тегишли даво муолажалари белгиланди.

Сарвиноз АЛЛАМУРАТОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси кўз касалликлари шифохонаси офтальмологи:

– Тиббий кўрик жараёнида тўрт нафар болага гилайлик, уч нафарига эса кўрув асаб атрофияси (наслий нуқсон) касалликлари ташҳиси қўйилди. Бу касалликларни даволаш мақсадида Республика кўз касалликлари шифохонасига йўланма бердик ҳамда болалар уйи шифокор ва ҳамшираларига кўз касалликларининг олдини олиш бўйича амалий-усlubий ёрдам кўрсатдик.

Гулсанам ОЛЛОНАЗАРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси эндокринология диспансери

эндокринолог-врачи:

– Кўрик натижаларига қара-

ганда, айрим болалар жисмоний ривожланишдан орқада қолишган. Ундан ташқари, баъзи болаларда буқоқ касаллигига мойиллик аниқланиб, улар учун муҳим тавсиялар берилди. Бундай кўрик йил давомида икки марта ташкиллаштирилса, албатта кўпгина касалликларнинг олдини олишга эришган бўлаемиз.

Ўринғали ИСМАҚУЛОВ,
Нукус шаҳар кўп тармоқли тиббиёт маркази хирурги:

– Юртимизда фарзандларимиз саломатлиги учун олиб борилаётган эзгу ишлар ўз маҳсулини бераётти, десак муболаға бўлмайди. Февраль ойида ўтказилган тиббий кўрик кўрсаткичларига қараганда, айрим касалликлар кузатилмади. Икки нафар болада киндик чурраси, икки нафар болада чов чурраси аниқланди ва режали операцияга тавсия қилинди.

(Давоми 6-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси

СОҒЛОМ БОЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик эзгу ишларга хизмат қилади



Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли 1-сонли Меҳрибонлик уйига кириб борганимизда, ҳовлининг хушманзаралиги баҳридиллимизни очди. Шунингдек, болалар истиқомат қилаётган хоналарнинг шинамлиги, ўзига хос дид билан безатилганлиги, бунинг баробарида турли тўғараклар ташкил этилганлиги, спорт заллари мавжудлиги, айниқса, замон талабларига жавоб бера оладиган бассейннинг мунтазам ишлаб турганлиги бизни қувонтирди.



– Ушбу Меҳрибонлик уйи 1922 йилда очилган бўлиб, 1988 йилда янги бинога кўчиб ўтди ва 2004 йилда қайта таъмирланиб, 180 та тарбия-

ланувчига мўлжалланган. Меҳрибонлик уйининг қайта таъмирланишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, прокуратураси, касаба уюшмаси,

“Устюртгаз”, Халқ таълими вазирлиги, Таҳиатощ ГРЭСи каби ташкилотларнинг ёрдами катта бўлди, – дея ўз фикрларини давом эттирди **Меҳрибонлик уйи врач-педиатри Саида Мадаминова**. – Айни кунда Меҳрибонлик уйида 101 нафар тарбияланувчи таълим-тарбия олмақда. Ўтган йиллар давомида қанчадан-қанча тарбияланувчилар ушбу даргоҳда таълим-тарбия олиб, машҳур инсонлар бўлиб етишишган. Бу ерга 2005 йилда Юртбошимиз ташриф буюриб, тарбияланувчиларга “ISUZU” автобусини совға қилганликлари болаларимизни ниҳоятда хушнуд этган эди. Айни кунда 14 та тўғарак ишлаб турибди. Тарбияланувчиларимиз ҳар йили республикамикс миқёсида ўтказиладиган барча кўрик-танлов ва мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Янги авлод – 2010” болалар ижодиёти фестивалида “Тонг юлдузчалари” гуруҳи 1-ўринни, 8-синф ўқувчиси Наргиза Бекимбетова Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган танловда 1-ўринни эгаллаган бўлишса, Бийбигул Каранова ва Тамара Мирсайзанова халқаро турнир Ўзбекистон кубогининг “Сув париси” танловида Ўзбекистон чемпиони бўлишди. Бундай қувонарли рақамларни яна давом эттиришим мумкин. Айниқса, 2013 йилда Азизбек Пирниязов Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилган “Камалак жилоси” кўрик-танловида иштирок этиб, муносиб ўринга сазовор бўлди ва у чизган “Наврўз” расми дунё болалари қатори Япониянинг нуфузли журналада чоп этилди. Болаларимиз саломатлигига келадиган бўлсак, уларни йилига икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб келамиз. Бундан ташқари, мавсумий ва ижтимоий касалликларнинг олдини олиш мақсадида тибби-



ёт муассасалари шифокорлари билан давра суҳбати ҳамда учрашувлар ўтказяпмиз. Жорий йилнинг 5-9 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган тиббий кўриқда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва-

Баъзи болаларда айрим касалликлар борлиги аниқланди. Соғломлаштириш ва давола-нишга муҳтож бўлганларга республикамикснинг етакчи клиникаларига йўлланма берилди. Албатта, ушбу тадбир “Соғлом бола – соғлом келажак” деб аталиши бежиз эмас. Қачон-



зирлигига қарашли тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари иштирок этиб, болалар саломатлигини текширишди.

ки, фарзандларимиз соғлом бўлсагина, жамиятимиз янада тараққий этиб, турмушимиз фаровон бўлади.

Хоразм вилояти

Хоразм вилоятидаги болалар уйида бўлганимизда, кичкинтойлар учун яратилган имкониятлар ҳамда бир-бирдан меҳрибон жамоа ходимларининг жонкуярлигини кўриб мамнун бўлдик.

Айниқса, болалар уйи бош врачлари Людмила Дзугаеванинг юзидаги табассумидан қалбидаги пок ниятини англаб олиш қийин эмас эди.

(Давоми. Боши 5-бетда).

– Болалар уйимиз асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар уйлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2012 йил 13 июнда-

ги 171-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 22 июндаги 180-сонли буйруғи бўйича фаолият юритиб келмоқда. Айни кунда бу масканда 25 нафар 0-3 ёшгача бўлган кичкинтой тарбияланмоқда. Биринчи гуруҳимизни гўдақлар, иккинчи гуруҳни эса ўрта ёшдаги болалар ва махсус гуруҳни ногирон фарзандлар ташкил этади. Тарбияланувчилар учун барча шароитлар яратилган. Уларга 1 нафар педиатр, 1 нафар психолог, 1 нафар невропатолог, 5 нафар ҳамшира



ҳамда 13 нафар тарбиячи, 8 нафар энгага қарашади. Педиатр ва невропатологнинг доимий назоратида бўлган болалар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида мутахассислар томонидан текширилади. Турли инфекцияларга қарши режа бўйича про-

филактик эмлаш тадбирлари ўтказилмоқда. Болалар уйи тарбияланувчилари йил давомида икки мартаба чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Тиббий кўриқни вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари, яъни хирург, ортопед, гематолог, невропатолог, ЛОР, окулист, стоматолог (Давоми 7-бетда).

СОҒЛОМ БОЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик эзгу ишларга хизмат қилади



чилар фаол иштирок этишади. Кун давомида ўқув, жисмоний тарбия машғулоти режа бўйича ўтказилади. Машғулотлар асосан кўргазмали қуроллар, жиҳозлар ҳамда ўйинчоқлар ёрдамида олиб борилади. Болаларимизга меҳр кўрсатишда аҳоли, Хоразм вилояти ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, прокуратура, ёнғин хавфсизлиги каби бир қанча ташкилотлар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Уларнинг бе-миннат хизматларидан миннатдоримиз. Шунингдек, кичкинтойларни ўз фарзандлари қатори тарбиялаб, уларнинг



ва педиатр олиб боради. 2013 йил апрель ойида 25 нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилди ва айрим болаларда касаллик мавжудлиги туфайли улар вилоят тиббиёт муассасаларида даволандилар.

5-9 август кунлари вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари томонидан тарбияланувчиларимиз чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Шифокорлар текшируви бўйича кичик ёшдаги болаларда камқонлик ва тугма нуқсонли касалликлар аниқланди ва соғломлаштирилди. Уларни психологик, интеллектуал ва жисмоний камол топтиришда психолог ва тарбия-



саломатлигини муҳофаза қилаётган ходимларимиздан педиатр Зумрад Рўзметова, невропатолог Нодира Курязова, катта ҳамшира Гўзал Курбонбоева, тарбиячи Роҳат Раҳимбоева ва бошқаларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир.

“Соғлом бола – соғлом келажақ” шиори остида ўтказилган тадбир нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини дилдан ҳис этган ҳолда тарбияланувчиларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда бор кучимизни аямаймиз, – дейди болалар уйи бош шифокори Людмила Руслановна Дзугаева.



Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мактабгача ёшдаги болалар гуруҳи Хива туман 20-сонли Меҳрибонлик уйида бўлганимизда, муассаса директори, “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони соҳибаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Вера Борисовна Пак билан учрашдик. Унинг болаларга меҳри бўлакча, қуюнчақ ва камтар.

лар поликлиникасининг бир гуруҳ мутахассислари тарбияланувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишган эди. Уларнинг айримларида касалликлар қайд қилиниб, соғломлаштирилди. 5-6 август кунлари бўлиб ўтган “Соғлом бола – соғлом келажақ” шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўриқ Хоразм вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари томонидан олиб борилди. Унда тиббиётнинг етти йўналиши бўйича болалар саломатлиги текширилди. Албатта, бундай текширувлар болалардаги касалликларнинг олдини олишда ва уларнинг соғлом вояга етишларида катта аҳамиятга эга бўлади. Меҳрибонлик уйидаги ҳар бир боланинг кўнглини топиш осон эмас. Бунинг учун уларни ўз фарзандларимиздек сева олишимиз, келажақ тақдирини



далар. Меҳрибонлик уйимизни таъмирлашда, болаларни кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлашда вилоят ва барча туман аҳолиси, “Жанубгазқурилиш” трести ОАЖ, Хива педагогика коллежи, Урганч Давлат университети ва бир қанча ҳомий ташкилотларнинг меҳнатлари катта. Бундан ташқари, болаларимизни соғломлаштиришда вилоятимиздаги барча тиббиёт муассасалари, шунингдек, Самарқанд шаҳрида жойлашган “Панорама Гранд” соғломлаштириш фирмаси раҳбари Абдураҳмон Фаттаев ва Саломат Ғоиповаларнинг алоҳида ҳиссаси бор. Саховатли халқимизга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдириб қола-

ман. 2007 йилдан буён Меҳрибонлик уйимизда ёзги дам олиш оромгоҳини ташкил қилдик. Мазкур “Райҳон” оромгоҳида ҳар йили Хоразм вилоят касаба уюшмаси кенгаши ҳомийлигида ҳар босқичда 100 нафар бола тўрт босқичда дам олиб келмоқда. 2012 йил ёз мавсумида 90 нафар бола Тошкент вилояти оромгоҳларида ҳордик чиқарди. Болалар ҳамда Меҳрибонлик уйлари учун барча шароит ва имкониятларни тўлиқ яратиб бераётган, эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга ўзимнинг самимий ташаккуримни билдириман, – дейди Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак.



Болалар ётоқхонаси ҳамда улар учун яратилган шароит ва имкониятларни кўриб, жамоада соғлом муҳит барқарор эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

(Давоми.
Боши 5-6-бетларда).

– Меҳрибонлик уйимизда 72 нафар ходим фаолият юритиб, 141 нафар боланинг таълим-тарбияси ва саломатлиги учун доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида Хива туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бола-



ўйлашимиз зарур. Чунки улар асосий билим ва тарбияни бизнинг даргоҳдан олишади. Болаларимиз орасида билимга чанқоқ, ноёб иқтидорлилари республиканинг турли кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқ-

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги Болалар ва Меҳрибонлик уйларида бўлар эканмиз, бир-бирдан ширин кичкинтойлардаги беғуборликни, катта ёшдагиларда эса билимга ташналик ва интилувчанликни кўриб, улардан бор меҳрини аямайётган болалар уйи жамоаси, бош врачлари, тарбиячилар, шифокор ва ҳамширалар, ходимлар меҳнатига, сабртоқатига тан бермай иложимиз йўқ. Ана шундай машаққатли меҳнат ортидан савобга қолаётган мурувватли инсонларга эзгу тилақларимизни билдириб қоламиз.

1-, 4-7-саҳифа материалларини
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Муаллиф олган суратлар.

Саломатлик куни

Бухоро вилояти

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Ҳар йилги анъанага кўра 10 август куни Бухоро шаҳридаги Сомонийлар маданият ва истироҳат боғида оммавий тиббий-профилактик тадбир – “Саломатлик куни” ўтказилди.



Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг “Обод турмуш йили” Давлат дастури амалга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлари рўйхатига киритилган ушбу хайрли ишга Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Бухоро филиали, вилоят

кўп тармоқли тиббий маркази, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббий институти, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг вилоятдаги минтақавий филиали ҳамда яна бир қанча даволаш ва тиббий-диагностика муассасалари жалб этилди.

– “Саломатлик куни” мустақиллигимизнинг 22 йиллик тантаналари олдидан ўтказилаётганида катта маъно бор, – дейди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Бухоро филиали директори Зоҳид Темиров. – Ўтган давр ичида мамлакатимизда барча соҳалар қаторида тиббиёт ва соғлиқни сақлаш тизими равнақ топди. Буни халқимиз ўз кўзи билан кўриб, қалбидан шукрона айтиб турибди. Илгариги медпунктлар ўрнида ҳар бир қишлоқда замонавий ҚВПлари қад кўтарганлиги, тиббиёт муассасаларининг юқори тиббий технологиялар билан таъминланганлиги, кадрлар салоҳиятининг ўсиб бораётганлиги соҳадаги туб ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидандир. Одамларимиз тиббий хизматнинг замонавий ва қулай имкониятларидан баҳраманд бўлсинлар, хусусан, оналар ва болалар, қариялар бепул кўриқдан ўтсинлар деб, мана шу кўчма “Саломатлик шаҳарчаси”ни ташкил этдик.

“Саломатлик шаҳарчаси”да қирққа яқин тиббиёт соҳаси бўйича малакали врачлар қабули бўлиб ўтди. Тадбирда олий тоифали врачлар, тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари иштирок этиб, 3445 нафар фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдилар. Айниқса, ички касалликлар бўйича Бухоро Давлат тиббий институти профессори Завқиддин Орзиев, кўз касалликлари бўйича олий тоифали врач Ориф Сафаров, асаб касалликлари бўйича олий тоифали врач Шаҳоб Рўзиев, гинекологик касалликлар бўйича тиббиёт фанлари номзоди Бахтиёр Ҳамдамов, болалар касалликлари бўйича педиатрлардан Ойбек Руста-



мов, Моҳира Фуломова, Венера Хусаинова, Шухрат Муҳидинов ва бир қанча тиббиёт ходимлари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишди. Шунингдек, УТД ва ЭКГ аппаратлари, рентген-флюорография жойлашган машиналар халқ хизматида бўлди.

– Қон босимим доим ошади, шундан ташвишга тушиб докторга кўриндим, – дейди 80 ёшли Рафиқа ая Азизова. – Барака топкурлар маслаҳат бериб, мени хотиржам этишди, ҳатто бепул до-

рилар беришди...

– Албатта, бундай тадбирлар биринчи навбатда халқнинг ўз соғлиғига бўлган эътиборини ошириш билан бирга, уларнинг тиббиётга бўлган ишончини янада орттиради, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Икром Амонов. – Биз келгусида шундай “Саломатлик куни”ни туман марказларида ҳам ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

С. КОДИРОВ.

Уроки здоровья

В СПОРТЗАЛ... ЗА КРАСИВОЙ ФИГУРОЙ



Несмотря на жаркое лето, тренировки в ДЮСША-33 Алмазарского района города Ташкента не прекращаются. Кто-то идет в бассейн поплавать, а кто-то – в тренажерный зал за красивой фигурой. Тре-

нер Шавкат Исроилов знает, как помочь ее создать. За советом и помощью к нему приходят в секцию 16 девушек, чтобы им легче было адаптироваться к физическим нагрузкам, тренер индивидуально подбирает уп-

ражнения, нагрузку и следит за точностью исполнения.

Мадина, Лайло, Шахло Нормурадовы и Умида Расулова стараются точно выполнять указания Шавката Исроилова. У девочек даже появился стимул к тренировкам. Умида Расулова, учащаяся Ташкентского медицинского колледжа, признается:

– Сначала было непривычно, не знали, что делать, но Шавкат ака подготовил для каждой из нас программу, и мы стали по ней заниматься. Много он нам не даёт, учитывая наш возраст и физиологию, а также чтобы не “перегорели”, то есть не потеряли вкус к тренировкам. Нам нравится заниматься, мы хотим быть стройными, подтянутыми, иметь красивую фигуру. Мы этого до-



бьемся, ведь мы за этим пришли в тренажерный зал.

Остается только порадоваться за девочек и пожелать им удачи и настойчивости.

А. ПОПОВ.
Фото автора.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги тиббий
фаолиятни
лицензиялаш
Кенгаши

Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, Б. Нақшбандий кўчаси, 18-уйда жойлашган «Муҳаммад-Ал-Ализода» хусусий таъбиот фирмасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2012 йилнинг 17 июлида тиббий фаолиятни амалга ошириш учун берилган 1436-00-сонли лицензиянинг амал қилиши Бухоро вилоят хўжалик судининг 2013 йил 29 июлдаги № 20-1303/5853-сонли ҳал қилув қарорига асосан тикланганлигини маълум қилади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6034 нусха.
Буюртма Г-845.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

